





Тошкент шаҳар ҳокимининг 2000 йил 28 февралдаги «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга татибқ этиш тўғрисида»ги 124-сонли қарорига асосан ҳамда мактаб ўқувчиларининг таътили кунларида шаҳар меҳнаткашлари фарзандларини дам олдириш ва уларни соғломлаштириш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими ва шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши раёсати «Мактаб ўқувчиларининг таътили кунларида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида» **КАРОР КАБУЛ КИЛДИЛАР.**

Унга мувофиқ туман ҳокимликлари, бошқармалар, тармоқ қасаба уюшмаларининг шаҳар кўмиталари тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳи бўлган барча қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига мактаб ўқувчиларининг таътили кунларида болаларни дам олдириш ва уларни соғломлаштириш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш юклатилди.

Бу борада:

— барча турдаги оромгоҳларда тиклаш-таъмирлаш ишларини 2000 йилнинг 25 майгача тугатиш учун зарур чоралар кўрилиб, уларда ўқувчиларнинг маънавий ва меҳнат тарбияси, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт ишларини амалга оширишга шарт-шароитлар яратиш;

— болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини тўхатиб қўйиш, уларни сотиб юбориш ёки бошқа мақсадларга мослаштиришга бўлган хатти-ҳаракатларга қарши қатъий чоралар кўриш вазифаси топширилди.

Мактаб ўқувчиларининг таътили кунларида болаларнинг дам олишига тайёрларлик кўриш ва уни таъминлаш бўйича шаҳар ҳайъати тарқиб тасдиқланди. Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, савдо, маъиший хизмат ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти зиммасига оромгоҳларга зарур бўлган малакали ходимларни танлаш, ва уларни ишга юбориш чораларини кўриш вазифаси топширилди. Жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Маданият ишлари бош бошқармаси зиммасига болаларни соғломлаштириш маюссасаларини жисмоний тарбия ва мусика ходимлари тўғрарак раҳбарлари билан таъминлаш вазифаси топширилди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат жаҳон тиллари университети зиммасига жорий йилнинг 25 майга қадар барча болалар соғломлаштириш оромгоҳларини уларнинг талабномаларига биноан отряд етакчилари билан таъминлаш вазифаси топширилди.

Савдо Департаменти зиммасига оромгоҳларга зарур озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун уларни савдо ташкилотлари, фермер ва жамоа ҳўжаликлари, тайёрлов идоралари ва пунктлари бериштириб қўйиш, оромгоҳларга сифатли маҳсулотлар берилиши, маҳсулотларнинг айрим турлари белгиланган, қайда этилган нархлардан энг кам савдо устамаси қўйилган ҳолда сотилиши устидан назорат ўрнатиш, оромгоҳлари зарур маданий, спорт ва ҳўжалик анжомлари, санат моллари билан пўл ўтказиш йўли билан таъминлаш вазифаси топширилди.

Қасаба уюшмаларининг тармоқ кўмиталари ва ҳўжалик раҳбарлари харид қилинган маҳсулотлар учун ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўришлари керак.

Барча оромгоҳларни дори-дармон ҳамда тиббий ускуналар билан таъминлаш «Дори-дармон» ҳиссдорлик бирлашмаси ва «Тибби анжомлари» жамоа қорхонаси зиммасига юклатилди.

«Тошхажарйўловчиганс» Давлат уюшмаси зиммасига ташкилотлар ва қорхоналарнинг талабномаларига биноан болаларни ташкил учун техник жиҳатдан сифатли автобуслар ажратиши таъминлаш, автобусларни ижарачиларга

автохизмат таннархи даражасида бериш юклатилди.

Ушбу мақсадлар учун бошқа автохўжалик қорхоналаридан автотранспорт воситаларини ижарага олувчи қорхоналар уларни ДАН руҳсати билан амалга оширишлари керак.

Молиявий ҳисоб-китоб фақат автотранспортдан фойдаланилган вақт учун амалга оширилиши зарур, деб ўқтирилди.

Ички ишлар бош бошқармаси зиммасига оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш учун уларга милиция ходимларини ишга юбориш, оромгоҳларга болаларни автотранспортда олиб бориш ва қайтиб олиб келишда транспорт хавфсизлигини таъминлаш вазифаси топширилди.

«Тошкенткиновидео» акциядорлик бирлашмаси зиммасига барча оромгоҳларни махсус кино-видеофильмлар репертуари билан таъминлаш ва ҳар бир оромгоҳда кунора фильмлар намойиш этишни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Шаҳар санитария-эпидемиология бош бошқармаси зиммасига оромгоҳларда тозаланиш сақлаш ва озик-овқатларни тайёрлашда санитария-гигиена меъёрларига қатъий риоя қилиш, тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлашнинг назорати топширилди.

Электр тармоқлари қорхонаси зиммасига шаҳар ҳудудида ва Тошкент вилояти туманларида жойлашган оромгоҳларни вилоят электр тармоқлари қорхонаси билан биргаликда узлуқсиз равишда электр энергияси билан таъминлаш чораларини кўриш вазифаси топширилди.

Мустақиллик байрами тадбирларида иштирок этадиган 800 нафар болалар ҳар йилнинг август ойида 26 кўнлик мўддатга Ободонлаштириш бош бошқармасининг 200 ўринли «Гўлбаҳор», «Сувсоз» трестининг 300 ўринли «Зилола», «Тошхажарйўловчиганс» Давлат уюшмасининг 300 ўринли «Травмачик» санаторий типидagi оромгоҳларига жойлаштирилиши керак.

Молия бош бошқармаси зиммасига ушбу оромгоҳларнинг ҳўжалик ташкилотларига тақдим этилган ҳисоб-китобларга асосан маблағ ажратиш, юқорида кўрсатилган харажатларни шаҳар бюджетининг ошириб бажарилган даромад қисми ҳисобидан қоплаш топширилди.

Халқ таълими Бош бошқармаси ҳамда таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмасининг шаҳар кўмитаси зиммасига ёзги таътил даврида умумтаълим мактаблари қошида ташкил этиладиган оромгоҳларда 2500 нафар болаларнинг дам олишини таъминлаш топширилди.


Тармоқ қасаба уюшмалари шаҳар кўмиталарининг Қорақалпоғистон Республикасидан 2500 нафар болани шаҳар қорхоналарининг ёзги оромгоҳларига қабул қилишига имконияти беришга ҳақиқдаги тақлиблари қабул қилиниб, ушбу оромгоҳлар йўлнамаларининг ҳўжалик харажатлари қасаба уюшма кўмиталари ихтиёридаги ихтимой сўғурта маблағлари ҳисобидан тўлашни ўқтирилди.

Марказий банкнинг шаҳар бошқармаси зиммасига оромгоҳларга зарур бўлган озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва тиббий ашёлар, ҳўжалик ва маданий-спорт анжомлари сотиб олиш учун, ходимларга иш ҳақи бериш учун маблағлар ва тўловларнинг ўз вақтида ўқтилишини назорат қилиш топширилди.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳига эга бўлган қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига оромгоҳ йўлнамаларини сотишда унинг устига қўйиладиган устама нарх — ҳўжалик харажатларини йўлнаманинг асосий баҳоси — қасаба уюшмалари белгиланган баҳодан ортиб кетишига йўл қўймайлик топширилди, оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, уларни таъмирлаш, жиҳозлаш каби тадбирларга иштирокчи сарфлари йўлнамаларнинг ҳўжалик харажатлари нархига қиришти қатъий ман қилинди.

«Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари, Ўзтелеферадиокомпаниянинг «Тошкент канали» ва студияси муҳарриратларида мазкур тадбирларни мунтазам равишда ёритиб бориш тақлиф этилди.

Мазкур қарор 2000-2004 йилларда мактаб ўқувчиларининг баҳорги, ёзги ва қиши таътили кунларида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этишда амалга татибқ этилади, деб белгилан қўйилди.



## ХАЛҚАРО САВДО ЯРМАРКАСИ МАРКАЗИ

пойтахтимиз чиройини очади

Пойтахтимизнинг Беруний кўчасида жойлашган аввалги «Алпомиш» спорт саройида айни кўнларда кизгин қайта қуриш ишлари олиб боришмоқда. Тез кўнларда бунёдкорларнинг савй-харакатлари билан ўз қиёфасини ўзгартирадиган бу улкан иншоот келгусида «Халқаро савдо ярмаркаси маркази» номини олади.

Ушбу иншоотни қайта таъмирлаш ишларини «Ўзбексавдо» буюртмасига асосан ҳамда Тошкент шаҳар лойиҳалаштириш ва қайта қуриш институти мутахассислари лойиҳасига кўра «12-трест» ҳиссдорлик жамиятининг 49-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари бажаришмоқда. Бош пудратчиларга 65-ҳамда 20-қурилиш бошқармалари, 2-қўйма механизациялашган колоннанинг қурувчилари ёрдам беришмоқда.

— Қайта қуриш ишларининг ўтган йилнинг охирида бошладик, — дейди бригадир Улугбек Алиязаров. — Айни вақтда бу ерда 150 нафарга яқин қурувчилар меҳнат қилишмоқда. Кераклик бўлган барча қурилиш материаллари олиб келинмоқда, биздан эса сифатли ва ҳам-жиҳатлида ишлаш талаб этилади. Бу ерда меҳнат қилаётган тажрибали қурувчиларимиздан Бахтиёр Отаев, Нурмухаммад Қосимов, Акмал Бобоноволар бутун ишда намуна бўлишмоқда. Ҳўн савй-харакатимизни иншоотни лойиҳада кўрсатилганидек кўркам ва замонавий қилиб бунёд этишга қаратмоқдамиз.

Ушбу марказ қуриб, фойдаланишга топширилгач, бу улкан иншоотда юрти-мизда илм-фан ва ишлаб чиқаришда эри-шилаётган ютуқлар намойиш этилади, тадбиркор ва ишбилармонлар иш юза-сидан чет эллик ҳамкорлар билан шарт-

номалар имзолашлари имконият яра-тилади. Шу билан биргаликда мамлака-тимиз ва хорижда ишлаб чиқарилаётган, аҳоли талаб ва эҳтиёжларига мос махсу-лотлар ҳақида зудлик билан аниқ ахбо-ротлар олиш ва узатиш ҳам мумкин.

Биони қайта қуришда бунёдкорлар Шарқ меъморчилик анъаналари ва бу-гунги шаҳарсозлик ютуқларини уйғун-лашган ҳолда акс эттиришга алоҳида эъти-бор қаратишмоқда. Бинонинг ички қис-мида 2 та кўргазма заллари ўзига хос руҳда пардозланади. Шунингдек, дам олиш хоналари, қаҳвахона ва ресторан-лар, ишбилармон, тадбиркор ва ишти-рокчиларга зарур хизмат кўрсатиш хона-ларининг жаҳон андозалари даражасида бўлишига ҳам аҳамият берилмоқда.

Ўз имкониятларидан самарали фойда-ланаётган қурувчиларнинг ғайрати боис ушбу иншоот ҳадемай шахримизга яна бир кўркамлик бахш этади. Унинг фао-лият кўрсата бошлаши эса республика-миздаги товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг катта халқаро кўргаз-маларда иштирок этиши учун кенг им-кониятлар очиши, шубҳасиз.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**  
**СУРАТДА: бригада бошлиғи (чапдан) Улугбек Алиязаров пайданди Бахтиёр Отаев ҳамда тикловчи Акмал Бобоноволар билан.**  
**Сергей Любич олган сурат.**

## Тадбиркорлик Кўчаларимиз Файзи

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «АВАДАН» хусусий қорхонасида турли хил шакллардаги йўлакларга ётқизиладиган махсус гиштлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Бу маҳсулот кўча ва хийбонларимизни, уйлар олдидagi йўлаклар билан меҳнат қилишда. Ўзимиз яратган янги линия асосида мебель ишлаб чиқариш қорхоналари ва мамлакатимиз қурилиши учун рангли ойналар ҳамда тошойналар ишлаб чиқаримиз. Маҳсулотларимизнинг харидорлари етарли, буюртмаларимиз кўп. Хаттоки, қўшни Қозоғистон давлатидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Бу йил яна 20 та ишчи ўрни яратиш ниятимиз ҳам бор. Лекин бизни қийнаётган муаммолардан бири хом ашёни ўз вақтида олишдир. Хом ашё олиш учун керакли қорхонами, ташкилотгами пўл ўтказамиз. Қўлимизда ана шу пўл ўтказганимиз ҳақида ҳисоб-китобимиз бўлишига қарамай, то пўл ўша ташкилотнинг кассасига келиб тушмагўнча хом ашёни ололмаймиз. Ана шу давр мобайнида ишимиз бироз тўхтаб қолади, бунинг устига буюртмачиларимиз маҳсулот талаб қилишди. Шунинг учун ҳам ҳеч бўлмаса тадбиркорларга олдиндан пўл тўлашда қўшимча имтиёзлар берилса, ишларимиз янада олға силжиб, керакли ва зарур маҳсулотимизни кўпроқ ишлаб чиқарардик, уни четдан келтиришга ҳолат ҳам қолмасди деб ўйлайман.

Менинг сизга телефон қилишдан мақсадим бир тадбиркор дўстимнинг арзини етказишдир, — деди ўзини Изаатилла Муродов деб таништирган шахс. — Фақат менинг дўстим эмас, ошхона очган, дўкон очган жуда кўп тадбиркорлар ана шундан қийналишди. Шўли қурмакисиз бўлмаганидек, шундай милиция, солиқ ходимлари борки, ҳар кўни ошхонага кириб овқатланади, ҳатто ошоналарини ҳам олиб келади, хусусий дўкондан сигарета десимиз, бошқа нарсам оладую лекин ҳақини ҳеч қачон тўламайди. Ошхона ёки дўкон очган тадбиркорга осмондан пўл ёғилмайдик-ку. Ахир инсоф сари бара-када. Ана шундан безор бўлган дўстим охири-оқибат ошхонасини ёпишга мажбур бўлди. Ана шундай «қурмак»ларга чора кўрилса, айни муддао бўлармиди.

**Дилфуза ҒАНИЕВА.**

## «Оқшом»нинг «Ишонч телефони»

Мамлакатимизда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга берилаётган эътибор, тадбиркорларга яратилаётган шароитлар уларни руҳлантиргани, янги изланишларга ундагани ҳолда баъзи бир фикр-мулоҳазаларни ҳам изҳор этишга ундамоқда. Тахририятимизнинг «Ишонч телефони»га бўлаётган кўнгириклар бунинг аёқол далилидир.

## АЙНИ МУДДАО БЎЛАРДИ

«Акс-Ного» қорхонасининг ташкил этилганига бир йилдан ошди, — дейди қорхона директори Акромжон Рўзиев. — 23 нафар ишчи-хизматчимиз тадбиркорлик билан меҳнат қилишди. Ўзимиз яратган янги линия асосида мебель ишлаб чиқариш қорхоналари ва мамлакатимиз қурилиши учун рангли ойналар ҳамда тошойналар ишлаб чиқаримиз. Маҳсулотларимизнинг харидорлари етарли, буюртмаларимиз кўп. Хаттоки, қўшни Қозоғистон давлатидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Бу йил яна 20 та ишчи ўрни яратиш ниятимиз ҳам бор. Лекин бизни қийнаётган муаммолардан бири хом ашёни ўз вақтида олишдир. Хом ашё олиш учун керакли қорхонами, ташкилотгами пўл ўтказамиз. Қўлимизда ана шу пўл ўтказганимиз ҳақида ҳисоб-китобимиз бўлишига қарамай, то пўл ўша ташкилотнинг кассасига келиб тушмагўнча хом ашёни ололмаймиз. Ана шу давр мобайнида ишимиз бироз тўхтаб қолади, бунинг устига буюртмачиларимиз маҳсулот талаб қилишди. Шунинг учун ҳам ҳеч бўлмаса тадбиркорларга олдиндан пўл тўлашда қўшимча имтиёзлар берилса, ишларимиз янада олға силжиб, керакли ва зарур маҳсулотимизни кўпроқ ишлаб чиқарардик, уни четдан келтиришга ҳолат ҳам қолмасди деб ўйлайман.

Менинг сизга телефон қилишдан мақсадим бир тадбиркор дўстимнинг арзини етказишдир, — деди ўзини Изаатилла Муродов деб таништирган шахс. — Фақат менинг дўстим эмас, ошхона очган, дўкон очган жуда кўп тадбиркорлар ана шундан қийналишди. Шўли қурмакисиз бўлмаганидек, шундай милиция, солиқ ходимлари борки, ҳар кўни ошхонага кириб овқатланади, ҳатто ошоналарини ҳам олиб келади, хусусий дўкондан сигарета десимиз, бошқа нарсам оладую лекин ҳақини ҳеч қачон тўламайди. Ошхона ёки дўкон очган тадбиркорга осмондан пўл ёғилмайдик-ку. Ахир инсоф сари бара-када. Ана шундан безор бўлган дўстим охири-оқибат ошхонасини ёпишга мажбур бўлди. Ана шундай «қурмак»ларга чора кўрилса, айни муддао бўлармиди.

**Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.**

Туман меҳнат органлари айни вақтда фақат аҳолининг иш билан бандлигини ўйлабгина қолмай, балки кўп болали оналар, кам таъминланган оилалар, жазо мудлатини ўтаб қайтганлар, тадбиркорлар фаолияти борасида ҳам кўп бош қотиришмоқда. Бу борада амалда қилинаётган ишлар тўғрисида Чилонзор тумани меҳнат органи раҳбари Фарход Раимқулов билан суҳбатлашдик.

— Туманимизда кўп миллатли 219,4 минг аҳоли истиқомат қилиди. Буларнинг меҳнат билан банд бўлмаганлари 12869 нафарини ташкил этади. Фуқароларимиз билан доимий равишда алоқа олиб борганлигимиз учун кўп муаммоларни, асосан иш билан банд этиш, қайта ўқитиш муаммосини ҳал этишга эришяпмиз. Мана биринчи чоракдаги маълумотга кўз ташлайдиган бўлсак, мурожаат этганлар сони 596 тага етган бўлган, шулардан 479 нафари ишга жойлаштирилди. 116 нафар фуқаро эса қайта ўқишга йўланма берилди.

— **Айтингчи, меҳнат органининг фуқароларнинг ихтимой ҳимояси масаласидаги ўрни қандай?**

— Дарҳақиқат, биз аҳолини иш билан таъминлабгина қолмай, уларнинг ихтимой ҳимоясига ҳам алоҳида аҳамият берамиз. Бунда энг аввало мавжуд 43 та маҳалла оқсоқоллари билан алоқани яқини боғлаб, аҳолининг ихтимой аҳолини ўрганишимиз. Ана шундан сўнггина уларга бериладиган моддий ёрдам, яъни нафақа пули кўп болали оилаларга, кам таъминланган оилаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йилдаги 437-сонли фармони асосида иш кўраимиз. Бу борада ҳам биринчи чорак маълумотларини кўздан кечирадиган бўлсак 2505 та тушган ариза учун 50, 727, 21 сўм болалар нафақасига тайинланди. Кам таъминланган оилалар учун эса 1096та оиладан тушган ариза бўйича 31, 016, 20 сўм миқдориди моддий ёрдам кўрсатилди.

— **Қўшимча ишчи ўринлари ташкил этиш борасида қандай ишларни амалга оширяпсизлар?**

— Туманимизда фаолият кўрсатаётган қорхоналар билан узвий боғланиб, уларнинг фаолияти ўргани-

лиши натижасида янги иш жойлари ташкил этилмоқда. Ўтган давр мобайнида шундай иш ўринларига 18 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Уларнинг 13 нафари жазо муддатини ўтаб қайтганлардир. Туманимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, халқ хўнормандчилиги, «Усто-шоғирд» услуби асосида иш кўришлар ҳам кенг ташкил этил-

лиши натижасида янги иш жойлари ташкил этилмоқда. Ўтган давр мобайнида шундай иш ўринларига 18 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Уларнинг 13 нафари жазо муддатини ўтаб қайтганлардир. Туманимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, халқ хўнормандчилиги, «Усто-шоғирд» услуби асосида иш кўришлар ҳам кенг ташкил этил-

лиши натижасида янги иш жойлари ташкил этилмоқда. Ўтган давр мобайнида шундай иш ўринларига 18 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Уларнинг 13 нафари жазо муддатини ўтаб қайтганлардир. Туманимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, халқ хўнормандчилиги, «Усто-шоғирд» услуби асосида иш кўришлар ҳам кенг ташкил этил-

лиши натижасида янги иш жойлари ташкил этилмоқда. Ўтган давр мобайнида шундай иш ўринларига 18 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Уларнинг 13 нафари жазо муддатини ўтаб қайтганлардир. Туманимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, халқ хўнормандчилиги, «Усто-шоғирд» услуби асосида иш кўришлар ҳам кенг ташкил этил-

лиши натижасида янги иш жойлари ташкил этилмоқда. Ўтган давр мобайнида шундай иш ўринларига 18 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Уларнинг 13 нафари жазо муддатини ўтаб қайтганлардир. Туманимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, халқ хўнормандчилиги, «Усто-шоғирд» услуби асосида иш кўришлар ҳам кенг ташкил этил-

## Бандлик

## ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА

маълумотларни олиб, уларга етказаман. Иш ахтариб юрган ёш йигит-қизларга маслаҳатлар берамиз. Ҳўхлашса ишга, ҳўхлашса ўқишга шу ернинг ўзида масаллага ойдинлик кiritиб, уларнинг узогини яқин қилиб, тўғридан тўғри йўланма берамиз. Шу боис гузарга келадиган кўнларим, албатта фуқаролар уларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат этишди. Бундай ҳолатдан шу нарсани сезиш мумкинки, бандлик органи ходимларининг жойларда тез-тез бўлиб туриши жуда-жуда лозим.

Дарҳақиқат, туман бандлик органи ходимлари ва маҳаллаларга бириктирилган инспекторлар узлуқсиз равишда жойларда, одамлар орасида бўлиб, иш билан банд бўлиш, қайта ўқиш, қўшимча касб-хўнар ўрганиш, ихтимой ҳимоя масалалари, турли мавзудаги ҳўқуқшўнос маслаҳатларини олиш, болалар ва бошқа нафақа пуллари олиш борасидаги маслаҳатлари билан ўртоқлашадилар, уларга йўл-йўриқлар кўрсатиб, оила мустаҳкамлиги учун жон кўйдирадилар.

**Суҳбатдош**  
**Гулзода МАМБЕТОВА.**



Халқаро мусика фестивалларидан бирида иштирок этган ёш санъаткор машҳур «Чўли ироқ»дан кейин европача мураккаб куйларни маромига етказиб чалиб берди. Олдий чўпон наидан бу қадар сехрли садо таралаётганига ишончирмаган танлов ҳайъати аъзолари, таникли бастакор ва созандалар фестивалдан сўнг уни излаб топилди.

— Бу соз такомиллашганим ёки табиийми? — қизиқиб сўрашди улар. — Европа куйлари фақат флейтада ижро этилади-ку. Шунда Мирза Тоиров найни чалиб, ярим пардаларни қандай чиқараётганини кўрсатиб берди. Санъаткорлар сўзи бирма-бир кўллари олиб кўриб, унинг табиий эканлигига ишонч ҳосил қилишди, ўзбек найчисининг маҳоратига тан берилди.

Мирза Тоировнинг иқтидорига Сурия, Яман, Венгрия, Польша, Германия, Хитой, Мўғулистондаги куй ихлосмандлари ҳам таҳсин ўқиганлар. У киши Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг най синфида сабоқ бериш билан бирга Тўхтасин Жалилов номидаги ўзбек Давлат академик халқ чолғу асбоблари оркестрида якканавоз найчи сифатида «Роҳат», «Чўли ироқ», «Қашгарча» куйлари, Бизнинг «Кармен», Хачатурянининг «Маскарал», Чайковскийнинг «Оққуш кўли» ва бошқа асарларни маҳорат билан ижро этиб, талайгина Халқаро фестивалларнинг ғолиби бўлди.

Мўғулистонда уч йил шартнома асосида ишлаган Мирза ака санъат аҳлига най сирлари, нафас билан чалинадиган яна ўнлаб чолғуларда куй ижро этишни ўргатди. Ҳозирда у кишининг изидан бориб, эл орасида обрў-эътибор топаётган эликдан ортик шоғирларни бор. Шулардан бири Юсуфжон Воҳидовдир.

Юсуфжоннинг санъатга меҳр қўйишига ҳамза номидagi билим юртида катта ўқитувчи бўлиб ишлаётган акиси сабабчи бўлди. Бу қизиқиб уни Тошкентдаги Глиэр номи мусика санъат мактабига етаклаб келди. Дастлабки синовдан муваффақиятли ўтган Юсуфжон ўзбек чолғу асбобларидан бири бўлган

най сўзи бўйича таълим ола бошлади. Иқтидорли санъаткор билим даргоҳида ўқиб юрган чоғларидаёқ устоз найчилар эътиборига тушди. Бинобарин, Тошкентда бўлиб ўтган 7-республика кўрик-танлово

Воҳидов консерваторияда, кейинчалик аспирантурада таълим олаётган пайтда талайгина муваффақиятларга эришди. Масалан, 1992 йил ўтказилган 7-республика халқ чолғу асбоблари кўрик-танловининг мутлоқ ғолиби

Санъатнинг сехрли олами

## НАЙ НАВОСИ



вида иштирок этиб, диплом билан тақдирланиши уни кўпчилик санъаткорларга танитди. Юсуфжон ижро этган ўзбек халқ куйларидан «Ёввойи чоргоҳ», «Ушшоқ», шунингдек «Мошарт — най учун» куйлари ҳайрат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.

Юсуфжон 1989 йилда ўз билимини бойитиш мақсадида Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кирди. Энди у профессор Мирза Тоировдан най сирларини мукамал ўргана бошлади.

— Мен Мирза аканинг «невар» шоғириман, — дейди Юсуфжон фахр билан. — Бундай деишининг сабаби, Глиэр номидаги мусика мактабига менга у кишининг шоғирди Эркин ака Хўзуров устозлик қилганлар. Иқтидорли найчи Юсуф

бўлди. Бухорода бўлиб ўтган «Асрлар навоси» деб номланган 1-республика мақомчилар кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллади. Шахрисабзда ташкил этилган ўзбек куйлари мавзусидаги танловда эса найда «Чўли ироқ» ҳамда ўзи басталган «Булбул навоси» куйларини ижро этиб, биринчи ўринни кўлга киритди.

— Бундай ютуқларга эришимизда Мирза аканинг ҳиссаси катта, — деди Юсуфжон. — Устоз катта мактаб яратганлар. У кишининг билими, ҳар бир куй ижросидаги жилонинг ўз сирлари бор. Мирза ака қадимий оҳанг ва куйларни замонавий йўлда талқин қилиб, шоғирларига ўргата-йптилар.

Юсуф Воҳидов янги ўқув йилидан консерваторияда Мирза ака билан ёнма-ён меҳнат қилади. Айни дам-

ларда эса устознинг эзлик йилдан ортик вақт мобайнида тўплаган бой тажрибасидан баҳраманд бўлиш мақсадида у киши билан тез-тез мулоқот қилиб туради. Бир кун ийнига борса Мирза ака зўр бериб найда бир куйни машқ қилаётти.

— Сени йўқламоқчи эдим, яхши ўзинг келиб қолдинг, — деди Мирза ака шоғиридан ҳол-аҳвол сўраб экан. — Қани, ўтиричи.

— Қайси куйни машқ қилаёсиз, устоз? — қизиқиб сўради Юсуфжон. — Бундан бир ҳафтача олдин найчи Маҳмуджон Мухамедов ижро этган «Бир келсин» куйини тинглаб ўтириб, ҳаёлимга худди шунга ўхшаш жозибали бир куй яратиб кўрсамчи, деган фикр келди. Шу орзу, истак таъсирида бир неча кун ўй сўриб юрдим. Ниҳоят бугун мақсадимга етганга ўхшайман. Бир чалиб берайми? — Бажонидил эшитаман.

Мирза ака қўлига найни олди. Куй «Бир келсин»га ўхшаш, аммо аввал мунгли, кейин шўх бошланар, охирида ўйчан тугалланарди.

— Уни «Назokat» деб ноламоқчиман, — деди Мирза ака куйни ижро этиб бўлган шоғирдига синовчан тикилар экан. — Сен нима дейсан, маъқулли?

— Жуда яхши ўйлабсиз, — деди Юсуфжон мамнун бўлиб ва устозини табриклади.

Юсуфжон шулар ҳақида гапириб берад экан, суҳбат сўнггида ўз истаklarини баён этди: — Тенглошларим, айниқса ёшларимиз ажодларимиздан мерос бўлиб қолган най, дутор, гижжак каби миллий чолғуларимизни унутмасалар. Негаки, булар бармоқлар ёрдамида, муҳими юрак кўри билан ижро этилади. Яна бир орзум: профессор Мирза Тоировдек устоз санъаткорларимиз биз шоғирлар бахтига доимо омон бўлисин.

**САДУЛЛА ШОДИЕВ. СУРАТДА: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Мирза Тоиров шоғирди Юсуф Воҳидов билан.**

**Аҳмаджон Сапарматов олган сурат.**

Пўлат МҲМИН.  
Ўзбекистон халқ шоири

## ФАСЛАРНИНГ АСИЛИ

Севган фаслим баҳордир,  
Йўқдир унинг баҳоси.

Жудаям бебаҳодир:  
Энг биринчи — ҳавоси.

Оҳ, шамол-шамол!  
Тан-у жонга шифоли.

Баҳорни ким сезмайди,  
Келганин ким сезмайди.

Олтидан ҳам қимматли,  
Барчага тенг қимматли.

У янгица ўйлартар,  
Кучоғида ўйналартар.

Элга оширар меҳринг,  
Яна тўлгандай байринг.

Баҳор асли яхшилик,  
Чаманлар-у яхшилик.

Жуда олий баҳоси,  
Етмас юртим тиллоси.

Келишини пойлаймиз,  
Келганда ардоқлаймиз,

Фасларнинг аслидир,  
Таби меҳнат фаслидир,

У тўқсон кун ичинда  
Хизмат қиладир чиндан.

Кўз очадир кўртаклар,  
Бўйин чўзар ниҳоллар,

Кимларни завоқлантирмас  
Мўъжизавий бу ҳоллар?

Айниқсанги Наврўзи,  
Янгиланар ер юзи.

Жамий жонзот уйғонар  
Баҳор завоқига қонар.

Шунинг учун баҳорнинг  
Йўқдай унинг баҳоси.

Минг тиллодан ортиқдир  
Очилаган гул жилоси.

## БАҲОРИЙ НОМЛАР

Баҳор деган қишлоқ бор,  
Баҳор деган маҳалла.

Баҳор отли қизлар бор,  
Баҳор фасли — гул палла.

Бу номларнинг барчаси  
Кўйилмаган бекорга.

Кўйилгандир аслида  
Қиёс қилиб баҳорга.

Баҳор қишлоғи эса  
Арзийди чаман деса.

Маҳалланинг чиройи  
Баҳор бўлсин қиройи.

Баҳор деган қишлоқ,  
Гулдай кулган ва қувноқ.

Баҳордайн очилган  
Юзларининг ранги ол.

Чақнаб турар кўзлари,  
Сўзларида бордай бол.

Баҳор деган бу номлар  
Кимга бермас оромлар.

Одамзотнинг умри ҳам  
Баҳор билан ўлчанар.

Баҳор билан ялнайди  
Музофотлар, ўлкалар.

Ҳамманинг ҳам ҳаммиси  
Кулиб турсин баҳори.

Баҳор деган бу номлар  
Ватанинг ифтихори.

## ҚИЗГАЛДОҚ ВА ҚИЗАЛОҚ

Баҳорни чақирса  
Битта қизалоқ,

Жавоб берибди  
Унга қизгалдоқ.

«Кел, — деди, —  
ёнимга», —

Уша қизгалдоқ.  
Улар ўхшар экан

Бир бирига.  
Жуда ўхшашлар

Ўлкам қирғиз  
Уларни кўрибди

Чугурлаб қушлар,  
Хушхон овозлар-ла

Қўнглини қушлар,  
Қизалоқ қўлида

Гулгун қизгалдоқ  
Ял-ял ёниб турар

Юлдузли байроқ.

## СУВАРАК ВА СУМАЛАК

(Ҳазил)

Бир кун очкўз суварак  
Емоқ бўди сумалак.

Ҳар томонга изғиди,  
Чарчаб йўлда мизғиди.

Тополмади сумалак,  
Бўлди йўлда кўп ҳалак.

Усти очик бир челақ —  
Оғзин очиб емакка,

Тушиб кетди челақка

Ўхшаб очкўз-ёмонга  
Сузарди ҳар томонга.

Чопар челақ четида,  
Қараб бўлмас бетга...

Еёлмадан сумалак  
Ҳалоқ бўди суварак.

Увол бўлди бир челақ  
Эсиқина, сумалак.



Бўлажак устозодлар. Равилъ Альбеков олган сурат.

## ШАРҚ ДУРДОЧЛАРИ

### ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД

Бир кун Анушервон ўзи танҳо ўтирган эди.

Кўп ўтмай унинг олдида Юнон, Мубад, Фаррухзод, Бузургмеҳр ва бошқалар кириб келишди. Анушервон уларга қараб деди:

— Бу катта анжуман бўлди. Келинглр, ҳар биримиз биттадан ҳикматли гап айтилайки. Токи бошқалар ундан ибрат олсин!

Сўнг Мубадга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Мубад деди:

— Икки нарсаси борки, улар бир-биридан яхшидир. Масалан, ҳунар доно билимдан, яхши иш яхши сўздан афзал.

Анушервон:

— Кенгроқ тушунтир! — деди.

Мубад давом этди:

— Ҳар кимнинг ҳунари бўлмаса, у куруқ девор билан тенг. Ҳар кимнинг сўзи чиройли бўлса-ю иши ёмон бўлса, фойдасиз шамол кабидир.

Анушервон Хуршидга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Хуршид:

— Жаҳонда икки нарсаси бор. Ундан ҳеч нарсаси яхши эмас. Биринчиси, хурсандчилик ва иккинчиси беозорлик! — деди. — Яъни ҳар ким қаноат қилиб, хурсанд яшаса, ҳеч кимга эҳтиёжи тушмайди. Кимки ҳеч кимга озор бермаса, ҳеч кимни хафа қилмаса, унга ҳеч кимдан хавф етмайди! — деди.

Анушервон Бузургмеҳрга қараб:

— Сен нима дейсан? — деб сўради.

Бузургмеҳр:

— Эй Анушервон, одамлар куйидаги нарсаларга амал қилмасалар, ҳеч қачон хурсандчиликка етмайдилар. Масалан, бориға қаноат қилмаса, етиша олмайдиған нарсаси айтилса, ўзга киши қўлида бўлган нарсаси очкўзлик билан қараса! — деб жавоб берди.

Анушервон ундан яна ҳам кенгроқ қилиб сўзлашни сўради. У деди:

— Хурсанд шундай кишики, нима топса қаноат қилади, топганига шукур қилиб, умрини ғамсиз ўтказди. Очкўзлик эса ўз жонини қийнашдир. Ҳар ким ўзини яхшилик йўлига солса, ҳамма ёмонликдан омон бўлади, жаҳонда тинч ва осуда яшайди.

Юнон эса куйидагиларни деди:

— Олти нарсаси борки, ҳар ким бу олти нарсаси амал қилса, дунёда яхши ортиқ бўлади. Биринчиси, дунёда донолар маслаҳати билан иш қилса. Иккинчиси, ўз жойида бўлса, учинчиси адолатли бўлса, тўртинчиси оқил бўлса, бешинчиси фойдадан ўзгаларни баҳрадор қилса, олтинчиси камтарлик қилса.

Ундан буларни кенгроқ тушунтиришни сўрашганда ушбу сўзларни айтди:

— Маслаҳат марваридга ўхшайди. Одамлар тош бўлса, улар орасидан бирорта нодир сўз — марварид чиқиши мумкин. Ишни ўз жойида муносиб ҳолда қилмасанг, зиён етади. Адолатли иш қилинса, бу ишга ҳеч ким қарши чиқмайди. Сабр ва чидам барча мушкул ишларни енгитишини қалитидир. Камтарлик барчанинг ҳавасини ва ҳурматини қўзғатадиган ёқимли одатдир!

Анушервон бу ҳикматларнинг ҳаммасини ёзиб қолдиришга фармон берди.

Бир доғишманд насихат қилиб ёзган китобларининг бирида, жумладан, шундай деган эди:

— Эй одам, сен ҳеч қачон улуглик кетидан қузма! Улуғлиқни излаш, барчадан устун бўлишни хоҳлаш чин инсон хислати эмас. Кийинини ва ясангусан билан ўзининг кўрсатишга уринма! Чунки бундай қилиш ясама обрў талаб қилишдир. Утаётган умрингдан беҳабар бўлма, уни ўқиш ва ўрганишга сарф қил! Бахтиёрлик ва саодатлик асосини қўлга киритишга урин! Билгинки, ҳаёт доимо зийрак бўлиб, киши ўздан огоҳ бўлиши учун. Уни ёйиш ва ичиш, ухлаш учун деб ўйлама!

**Абу Аҳмад ибн МУҲАММАД.**

Қадимий ҳинд ҳақимларининг масалларида келтирилганича, бир зийрак тулки бир нодон бўри билан ҳамроҳлик режасини туздилар ва садоқат қўйиға тушдилар. Улар ўзаро мунофиқлик қўнчасига кириб, айлана-айлана бир тоғ этагидаги чиройли боғ ёнидан чиқиб қолдилар. Боғ деворлари баланду мустаҳкам ва тикон билан ўралган эди. Уларнинг нафси ғолиб ва хирслари боққа тушиб истагиға тўлиб-тошиб, ҳар томонга юрдилар. Киришга йўл тополмай, чархи фалак каби айландилар ва ногоҳ бир тешикка кўзлари тушди. Тешик тулки учун бемалол, бўри учун эса ўтиш қийину маҳол эди. Ингичка белли тулки осонгина ўтиб кетди, бўри эса урина-урина зўрга мақсадига етди. Улар тешикдан ўтишга ажойиб боғни кўрдилар:

**Бир боғки хилма-хил узумга тўла,**

**Алмон меваеси етилиб пилинган!**

Тулки зийрак бўлгани учун «киришдан аввал чиқишни ўйла» мақоли бўйича иш тутиб, ортиқча емади:

**Авал фикр, сўнгера амал дейдилар,**

**Авал фикр қилу, сўнг ишга кириш!**

Соддадил бўри эса гўлу гоғи бўлгани учун топган нарсасини катта-кичик демай еяверди. Ногоҳ боғбон воқеадан огоҳ бўлиб, ғазабидан ҳайқариб калтак кўтарганича уларнинг устига кела бошлади. Ингичка тулки тешикдан осонгина чиқиб кетди. Қорни катта бўри эса тикилиб қолди. Боғбон уни шундай саваландики, бечора тор тешикдан ташқари чиққанда унинг тирик ёки ўлик эканини билиб бўлмас эди:

**Ейишда ботирлик кўрсатмасин сен,**

**Бўридек бўлмасин охи қилмишинг.**

**Нозу неъмат билан семирисан ҳўн,**

**Улаб кўп, охири не бўлар ишинг!**

**Катта ғавдани билан қандай бўларкин,**

**Улам эшигидан сенинг чиқишинг?!**

**Ибн КАМОЛПОШО.**

**Махмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.**

## ПУШАЙМОН

(Бўлган воқеа)

Ҳаётда тасодифлар кўп бўлади. Бироқ буниси жуда кутилмаган ҳолат. Абзор агар ўша одамни бир кун олдин учратганида, балки синфдоши Раҳматилла янглиш йўлдан қайтиб, қамалмаган бўлармиди...

Абзор кутубхонада узоқ қолиб кетди. Диплом ишига оид излаган манбаларини топишдан мамнун ҳолда, кутубхонадан чиқиб, автобус бекати тарафга юрди. Илк баҳор оқшомининг нафис бўйларидан қониб, эртанги ишларини режалай бошлади. Эртага ҳайит, дўстларидан бирининг уйда фотиҳагарчилик бор. Ўша ерда синфдошлари билан учрашсини эслаб, Раҳматилла билан бўлган эрталабки тортишувни ёдига тушди.

Раҳматилла мактабда ўртача ўқиган, одамовирок, Абзорнинг синфдоши эди. Мактабни битиргач, ўқишга қиролмай, бир-икки йил бекор юрди. Кейин оз-моз савдога аралашиб ўйланди, машина сотиб олди. Тенгқурлари ичида ўзини яхши эплаб олган болалардан бирига айланди. Бир йилча аввал бир одат чиқарди. Қаерга борса, диндан гапирар, дўстларини намоз ўқишга чақирадиган бўлиб қолди. Кимдандир диний билимларини унча-мунча ўрганиб юрди ҳам шекилли, «Қуръонда бундай оят бор, ҳадисда мана бундай дейилган» деб, имомларга ўхшаб маъруза қилишга интилар эди. Нутқининг равон эмаслиги, фикрини гўзал ифода этишга ожизлиги, фикрлари теранликдан узоқлиги туфайли унинг сўзларига биров аҳамият бермас, берган тақдирда ҳам, сўзларидан таъсирланмасди. Шундай бўлсада, унинг кўнгли учун гапларида «ароқ» қўймайдиган бўлишди...

Эрталаб Абзор уни автобусда учратганида «Ҳозир яна бошлайди» деган ўй билан кўришди. Бир оз ўтмай ҳақиқатан ҳам бошлади. Абзор диний оилада ўсмаган бўлсада, болалигида буваси раҳматликдан инсонини эзгуликка етакловчи, ҳалол-ҳаромни тушунтириб берувчи Қуръон ва ҳадисларга асосланган ривоятларни кўп тинглаган, ҳар ҳолда ислом деганда бир мунча тасаввурга эга бўлган инит. Аммо ҳозир дўстидан эшитётган гаплар унинг дин туғрисидаги қарашларини тўзгитиб юборди. Бу борадаги адабиётлардан яхши баҳардор эмаслиги баҳсада бир оз бўлсада, ён беришга сабаб бўлди. Раҳматилла билан ҳайрлашиб, институтга етгунча у айтиётган «ислом давлати», «халифалик», «шариат ҳукмлари ижроси» каби бир қарашда жиддий, бироқ, воқеликдан анча йироқ тушуначаларга жавоб излади. Тўғрироғи, у синфдошининг янглиш йўлдорлигини қалбдан сезар, аммо унга ўз фикрини ўтказиш учун етарли далили йўқ эди...

Мана яна ўша ҳаёларга берилаб, сўнгги бекатда турган автобусга ўтирганини ҳам билмай қолди. Унинг ҳаёлини автобус эшигидан «Тенис кортига борадими?» деб, мўралаган йўловчининг овози бўлди. Саволни ҳайдовчи эшитмади шекилли, жавоб бўлмагач, йўловчи яна сўради. Абзор: «Боради, чиқаверинг» деб

жавоб қайтаргач, ёши ўттизлар атрофидаги истарали, ўрта бўй, юмалоқ юзли йўловчи автобустга чиқиб, унинг рўпарасидаги ўриндиққа ўтирди, унга қараб, «раҳмат» деб қўйди. Бир қарашда жиддий, аммо чехрасида қандайдир илиқлик бор бу кишини Абзор қаердандир кўргандек эди. Аммо, эслай олмади. Йигит атрофдагиларга аҳамият бермай, чўнтагидан кичиккина бир китобни олиб, ўқий бошлади. Автобус ора-сираси силкинганда китобдан бошини кўтарар, Абзор шу дамда унга тикилиб, қаерда кўрганини эслашга тиришар эди. Йигит тушадиган бекатига яқинлашганда ўрнидан турди ва унинг нигоҳи яна Абзорнинг унга қадал



Хаёт, оила мукаддас даргоҳ, бунинг калрига етиб яшашликни боболаримиз, момоларимиз уқтириб ўтишган. Оила инсон ҳаётига тўқислик бағишлайди. Оиладаги бағри кенглик, оқибатлилик, тотувлик, ишонч ва инноклик ҳар қандай вазиятни юмшатади, дилларга малҳам бўлади.

Онажон, Каъбам ўзинг, Сенсиэ жажонни на қилай.

Нақадар юракка яқин айтилган қўшиқ. Мунис, меҳрибон, камтар, камсуқум, оқила оналарни ҳар қанча таърифласак оз.

Шаҳримизнинг Бодомзор маҳалласида ана шундай пиру бадавлат, табарруқ онажон яшайдилар. Бу хонадонга қадим ранжида қилган киши саранжом-сарништалик, меҳр-оқибат, тотувлик ҳукм сурган бу оила соҳиба-си меҳри дарё ва филоий она, бутун ҳаёти давомида турмуш машаққатларини енгиб яшаган мунис ва муҳтарам аёл эканлигининг гувоҳи бўлади.

Ҳа, 9 фарзанд, 8 келин, 27 нева ва 5 нафар эваралари даврасида, мулоим чехраларидан нур ёғилиб турган Муҳаббат аядан ўз ҳаётлари ҳақида, фарзандлари, келинлари, онладаги тотувлиқнинг сирини нимада эканлигини сўраганимизда, аста сўз бошладилар:

— Ота-онам розилиги билан турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим Эргаш Убайдуллаев меҳнаткаш, болаларини жон-дилдан яхши кўрадиган одам эди. Биралликда 9 фарзандни оқ ювиб, оқ тараб қатта қилдик. Кеча-кундуз ҳалол меҳнат қилиб, бориға қаноат қилиб, сиз оғизини санга бормай аҳил, тотувликда ҳаёт кечирдик. Болаларимизни ҳам меҳнатга ўргатдик. Кенжа фарзандим, Оллоҳдан сўраб олган қизимиз 7 ёшга тулганда тўсатдан отаси вафот этдилар.

Фарзандларимга ҳам ота, ҳам она меҳрини беришга ҳаракат қилдим. У кунларни эсласам, болам-эй, нимасини айтмай-а, фақат меҳнат, кеча-кундуз ҳалол меҳнат қилдим. Уғилларим Мансуржон, Одил, Фозил, Тоҳиржонлар бирин-кетин ёнимга киришди. Оллоҳга беадад шукр, қийинчиликлар ортда қолди, фарзандларим ақлли-хушли, меҳнаткаш, мўмин-қобил бўлиб вояга етишди. Ҳозирги кунда ҳам-

жойда меҳр-оқибат, барака бўлади-да.

Ҳақикатан Муҳаббат аяга ўхшаб бағри кенг, оқ кўнгли қайноналарини ҳар қанча эъзозласак, уларнинг ҳаёт тажрибаларидан сабоқ олсак арзийди. Муҳаббат аяни маҳаллада ҳамма бўлганлар, ҳурмат билан уй-тўра-

магаки эришган бўлсам ҳам-

масида ойнанинг хизматлари беқисс деб биларман. Бола тарбиясида ҳам, рўзгор тутишдаги саранжом-сарништаликда, хонадондаги тартиб-интизомда, меҳмон қутлишда, қўйинчи, ҳамма ишларда ўзлари намуна бўлганлар, 7 та қайинларим ўғил бола

учун ишга бориб келамизда

Ойжоним ҳаммамизнинг болаларимизни бағирларига олиб, ширин сўз билан, ширин оқватларини тайёрлаб, едириб-ичириб, мактабга қўзғатилар, қўтиб оладилар. Болаларимиз жону диллари, бирон марта уришиб, дўқ қилганларини ёки миннат қилганларини эшитган эмасмиз. Мен ҳам ойжонимдай қайнона бўлишни орзу қиламан.

Ҳа, ҳозирда фарзандлар, неварою эваралар ардоғида, эъзозда, қариллик гаштини суриб келатган Муҳаббат ая ҳалол меҳнат билан 9 фарзандга ҳам ота, ҳам она меҳрини бера олди. Ҳеч бирини ортиқча қоймади, насиҳат қилди, яхши ишларда фақат оқшилади, ширин сўз билан қўнғилларини тоғдек кўтарди. Фарзандлар ҳам оқ кўнгли, меҳри дарё оналарига ғамхўр ва меҳрибон бўлиб улғайишди. Ҳозиргача бир ишга қўл уришдан олдин келиб оналарининг оқ фотиҳасини оладилар, маслаҳат ва йўл-йўриқларини жон қўлоқлари билан тинг-лайдилар. Юз-қўзларидан меҳр нури ёғилиб турган она фарзандларига шукронани билан боқадилар, шу кунларга етказганига шукр дея дуога қўл очадилар.

Сўхбатимиз низоҳида онажон «Муҳбир қизим, шунча қатта ишларни бош-да турган Юртбошимиз биз каби қайноналарга ҳам эътибор қаратганларидан кўнглин фахрга тўлди, шу кунлар бўлдим. Илоҳо, юртимиз тинч бўлсин, шундай хайрли ишларга бош-қош бўлаётган Юртбошимизни Оллоҳнинг ўзи қўлласин, дея дуо қилдик.

Биз муътабар, пиру бадавлат онажон билан хайрлашар эканмиз, кўнглимиздан ажиб туйғуллар кечди. Орамизда мана шундай онадаги меҳр-оқибат, тотувлиқни мустаҳкамлаб келатган Муҳаббат ая ҳам меҳри дарё, камтар, камсуқум қайноналар бор бўлишини ва биз уллардан ўрнак олишни ниёт қилдик.

Шоира МУҲАМЕДОВА. СУРАТДА: Муҳаббат ая севикили набиралири даврасида.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

## ФАРЗАНДЛАРИ АРДОҒИДА



малари уйли-жойли, болачақали бўлиб, турли касбларда ҳалол меҳнат қилиб, юрт ичиде эл қатори юришибди. Келинларим ҳам бир-бирдан одобли, меҳнатсевар, меҳр-оқибатли. Шу хонадонга келин бўлиб тушганимда қайнонам раҳматлик: «Болам, турмушда қандай кунлар ўтса ҳам шу хонадондаги гап ташқарига чикмасин» деб насиҳат қилган эдилар. Шу насиҳатга амал қилиб, кам бўлмам.

Мен ҳам хонадонимга кириб келган 8 келинимга шу насиҳатни айтганман. Худога шукр, шу кунгача бир гапимни икки қилишмади, бирон марта оғзиндан бир-бирлар билан гап талашиб қўлишганини эшитганим йўқ. Болам, тотувликка нима етсин. Тотувлик бор

дан жой беради. Ахир ўз ташвишлари, югур-югурлардан вақт орттириб, қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг хизматига ҳам вақт топа олади, бемор ётганларни йўқлашнинг қанда қилмайди. Муҳаббат аянинг биронини ёмон деганини, бирондан гина қилганларини ҳеч ким эшитган эмас.

Саккизта бир-бирдан лобар, дилдор келинлар (ўзлари ҳам аллақачон қайнона бўлишган) қайноналарига ҳақида меҳр билан сўзлашди. Айниқса қатта келинлари Фотима опа бизга қайноналарига Муҳаббат аянинг фазилатлари ҳақида фахр билан қўйидагиларни сўзлаб берди:

— Шу хонадонга келин бўлиб тушганимга 27 йил бўлди. 4 фарзандим бор. 2 кўз узатдим. Шу кунгача ни-

бўлишса ҳам кир ювишда ҳам, овқат қилишда ҳам, су-пир-сидир, хуллас, ҳамма вақт менга ёрдам беришарди. Ҳеч қийналмаганман. Ойламиздаги ўзаро ҳурмат, бир-бирини қадрлаш каби фазилатларини ойжоним берган тарбияларининг маҳсули деб биларман.

— Мен эса ойжонимни онам деганман. — деб тўқилганимга гап бошлади кенжа келин Гулнора. — Келин бўлиб тушганимда овқат қилишни, ҳатто хамир қоришни ҳам билмасдим, ҳаммасини секин-аста, қой-имасдан, оҳисталик билан ўргатдилар. 3 фарзандим бор, болаларини тарбиясида ҳам ойжоним хизматлари қатта. Ахир ҳамма келинлар иш-лаймиз, уйдан кўнглимиз тўқ, хотиржам бўлганимиз



Ҳазилкаш отахонлар.

Рустам Шарипов олган сурат.

## «ОЙНАН МАХОТ» ДА

ЯКШАНБА, 21

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 «Камалот». Болалар учун кино-дас-турс.

9.05 «Четби дотор қўйлар» Кино-қий дас-тур.

9.35 «Ҳаройибот».

9.40 «Умид» намоиш э-тади:

9.50 «Умид» ахбороти.

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

11.00 «Шоҳрух» клуби.

11.30 «Қавқаз асириси». Бадий фильм.

12.45 «Мажнун бир мўъжиза».

13.00 «Қўшиқча қўнған сатрлар».

13.30 «Эл тинчилиги йўлида».

13.50 С. Раҳмон. «Коматингдан ўргилар».

Мухомий номидаги Ўзбек Давлат муслик театрининг спектакли.

15.40 «Сехрланган бола». Мул-тфильм.

16.45 «Бўстон». Тележурнал.

17.05 «Ўзбоз». Муслик дас-тур.

17.35 «Сериш шулар». Киножур-сату.

18.00 «Олтин тоғ». Телевизион ўйин.

18.25 «Динозаврлар билан сайр-лар». Телевизион премьераси. 6-кис-м.

18.55 «Ўзлик». Бадий-публици-стик жўрсув.

19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ё-лон-лар.

19.30 «Ташкилот» (рус тилида).

20.05 «Оламга саяхат».

20.30 «Ташкилот».

21.15 «Ўзбашча оқшомда». Му-слик-дам олиш дас-тури.

21.45 «Телевизион миниатюралар те-атри».

22.20 «Олам футбол».

22.45 ТВ-1 намоиш э-тади. Теле-визион.

«Аср мўъжизаси» кинодас-тури:

23.00 ЎЗТВ экранда биринчи мар-та. «Нотинг-Хилл». Бадий фильм премьераси.

00.55-1.00 Ватан тинимолари.

«ЁШАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Давр тонги».

9.00 Қўрсатувлар дас-тури.

9.05 «Янги авлод»: «Бўш ўтирма».

«Мулътомоса».

9.40 «Муслик лаҳзалар».

9.50 «Бизнес-доктор». 11-қўрсу-тув.

«Келажак».

10.20 «Буюқ ақлоқларимиз». Захи-риддин Мухаммад Бобур.

10.40 Оз сўзган «Байрам» гуруҳи.

11.00 «Ёшлар овози».

11.20 «Ўғрини ушла». Телевизион фильм.

12.05 «Экшн».

12.10 «Ёшлар» телеканалида:

13.00 «Муслик лаҳзалар».

13.10 Болалар учун мулътфильм.

«Денгиз итлари». 8-кис-м.

13.35 «Цирк, цирк, цирк».

13.55 Камолитдин Мирсолиев қўйлайди.

14.15 «Ёшлар» телеканалида:

«Спор»-2000».

15.05 «Муслик лаҳзалар».

20.15 «Синдоло».

20.40 «Нол» гуруҳи қўйлайди.

21.00 «Давр». Хафта ичиде.

21.45 «Кулматнинг қўнғиллари». 2-кис-м.

22.05 «Ёшлар» телеканалида пре-мьера. «Грейс ва Глори кис-саси».

Бадий фильм.

23.40 «Тарона-2000» тахдироти.

0.00-0.05 «Хайрли тўн».

## ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ

Шу жиҳатдан олганда шаҳримиздаги 445 та маҳаллада жамоатчилик ташаббуси билан 618 нафар фуқаро маҳалла посбонлари сифатида рўйхатга олиниб, фаолият кўрсатаётганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Шу кунгача маҳалла посбонлари томонидан ўтказилган тадбирларнинг 223 таси жамоат тартибини сақлашга, 84 таси ободонлаштириш ишларига, 73 таси эса коммунал тўловларни ундириш масалаларига бағишланди. Қўвончли томони шундаки айнан маҳалла посбонларининг кўмаги билан пойтахтимизда 60 та жиноятнинг олди олинди, 101 та жиноий иш очилди ва жиноятчилар тегинли жазоларини олди.

Бектемир тумани ҳокимлигида ўтказилган сайёр йиғилишида милиция таянч пунктларининг шароити ҳамда профилактика нозирларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ҳақида атрофлича сўз борди.

Ушбу йиғилишда шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вакиллари билан биргаликда Бектемир тумани вакиллари, маҳалла посбонлари иштирок эттишди.

Сайёр семинарни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳмажон Миржазиев бошқариб, бундан бун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари кенг жамоатчилик, хусусан маҳалла посбонлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлигига эътиборни қаратди.

Шунингдек, семинарда шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзамжон Галойбоев, шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари Зухриддин Бобоқалонев, Бектемир туман ИИБ профилактика бошлиғи ўринбосари Аҳром Насриддиновлар сўзга чиқиб ички ишлар идораларининг маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорлиги юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Нотиклар фикрича профилактика нозирлари маҳалла фаоллари, хусусан посбонлар билан яқинликда фаолият олиб боришса, шаҳримизда содир этилаётган жиноятлар сонини анча қамаяди. Жиноятчиликнинг қамайиши эса осойишталик гаровидир.

Ушбу семинар баҳсу мунозараларга бой тарзда якунланди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ.



Бош муҳаррир  
Ақбар АҚМОВ

Манзилимиз:  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

Эълонлар:

133-28-95, 132-11-39.

факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума

кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

Қозғо бичими А-2

Нашриятчи бериш масалалари

бўйича турар жойлардаги почта

бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га

— 133-74-05 телефонига мурожаат

қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашрият-матбаа

концерни босмахонаси.

Корхона манзили:

«Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

18 май — Халқаро музейлар кун

## ТАБИАТ МАСКАНИ

Ўзбекистон ўзининг бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда жаннатмакон табиати билан Ўрта Осиё давлатлари орасида салмоқли ўрин эгаллайди. Она табиятимизнинг ўтмиши, бой тарихи, жумладан ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда ер ости бойликларида доир ноёб намуналари мана шу табиат маскани бўлган музейда эҳтиёткорлик билан сақланиб келинмоқда.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича ўтган асрнинг 70-йилларида Ўрта Осиё тарихи, жўрофияси, этнографияси ва табиати ўрганувчи олимларнинг ташаббуси билан табиат музейини ташкил этиш заруриги таъкидланди. Музей очилган мақсад эса Туркистон ўлкасининг бой табиий бойликлари: ўсимлик, ҳайвонот, ер ости бойликлари билан намуналар тўплаш, уларни илмий асосда ўрганиш ва келажак авлодга мерос қилиб қолдириш эди. Шундай қилиб, 1876 йилнинг июлида табиат музейи ташкил этилди. Орадан кўп вақт ўтмай музей фондига ўсимлик, қўшлар ва балик турлари, хашаротлар, табиий ер ости бойликлари билан намуналар тўплана борди. Бугунги кунга келиб, музейда 300 мингдан кўпроқ хашаротларни ўз ичига олган Ўрта Осиёдаги энг йирик энтомология фонди, 11 минг варақ гербарийдан иборат ботаника фонди, шунингдек, зоология, жумладан Ўрта Осиё паррандалари ва кемирувчилари ва геология фондлари мавжуд.

Музей экспозициясида ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, Ўзбекистоннинг табиий географик тавсифи, геология-минералогияси, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиати сақлаш, Орол муаммосига доир бўлимлари бор.

Музейнинг биринчи залида томошабинлар ерда ҳаётнинг ривожланиши билан таниша, иккинчи залда ўлкаимизнинг ўсимликлари, табиий бойликлари, яна бир залида томошабин кўзига Ўзбекистон ўрмонлари, арчазорлари, ўзлаштирилган лалмикор ерлари ёки энкзорлари, қир-адир, тоғлари ташламини туради.

Шунингдек, музей залларида республикамиз табиатида учраб турадиган турли-туман ҳайвонот олами, паррандалар, кемирувчилар, баликларнинг турларини кўрасиз. Музей залида юртимизнинг қазилма бойликлари, она табиати муҳофаза қилиш, Орол денгизи муаммосига доир бўлимлар, фотосуратлар ва бошқа қизиқарли ва қимматли маълумотлар мавжуд. Узоқ ва мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтган табиат масканининг асосий вазифаси ўлкамиз табиати ва ундан ҳалқ ҳўжалигида самарали фойдаланишни ёрқин акс эттириш, табиий жараёнларнинг ривожланишини кўргазмалар куруллар ёрдамида намоиш қилиш, табиат муҳофазасини аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида кенг ёйиш, ўлка табиатини ўрганишда ўқув юр-тларига ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Чунки ҳар бир халқ, киши ўз тарихи, Ватан бойликлари ва имкониятларини чуқур ўрганишда қизиқарли ўқув юр-тларига алоҳида аҳамият қаратади. Музей ҳар бир халқнинг шу соҳада эришган ютуқларини акс эттирувчи кўзгудир. Шу боисдан бирон бир қўшни давлатдаги ёки хорижий мамлакатга борган киши, энг аввало у ердаги диққатга сазовор жойлар қатори, албатта, музейларни ҳам зир-ёрат қилади, ундан шу юрт, шу халқнинг бутун ўтмиши, ҳозирги ҳаёти ва келажак ўйлари билан танишади.

Табиатнинг бой ва ғўзал маскани бўлган бу музейга ҳар кун миляб табиатсеварлар келиб, ўлкаимизнинг бой маданий бойликлари билан таниш бўладилар. Мактаб ўқувчилари ҳамда олий ўқув юрти

табиатшунослик ва Кишлоқ ҳўжалик бўлим талабалари бу маънавий хазинасига келиб, ўлка табиатининг ўтмиши ва бугунги тарихи билан танишиб, янги маълумотларга эга бўладилар. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган музей ходими Тўхта ака Жўраевнинг сўзига қараганда музей залларида табиатнинг ўтмиши билан табиатшунослик фанларига яна қўшимча, янги, фойдали ва қизиқарли маълумотномалар мавжуд экан. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг мактабда табиатшунослик фанларидан олган билимларини мисоллар асосида мустаҳкамлашда анча фойдалидир. Музейда умумий биология фанидан махсус тематик экскурсиялар, суҳбатлар мунтазам ўтказилиб турилиши ҳам ўқувчилар учун мароқли бўлмоқда. Бугунги кунда мактабларнинг 4-11-синфлари учун музей залларида ботаника, зоология, география, геология, умумий биология фанлари бўйича анча бой ва қизиқарли кўргазмалар материаллар мавжуд. Ўқувчилар ўқитувчилари раҳбарлигида келиб, музей залларида мароқ билан дарс ўтишлари, тингашлари учун имкониятларга эгадир.

Шу кеча-кундузда табиат музейига келувчилар сонини кўп сайин қўйиб бормоқда.

Шу йилнинг 19 мартдан 4 апрелигача 83 та гуруҳ томошабинлари келиб, музей билан танишиб кетганликлари музей рўйхати дафтарига қайд этилган. Ўтган йили музей билан танишиб кетганларнинг сони 50 мингга етди. Музей фондидини янги